ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

КАСБ-ҲУНАР МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Самаридин Баракаевич Қораев
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

Ихтиёр Суюндикович Жолдасов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Республикамизда ташкил этилган касб-ҳунар мактабларида амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш, машғулотлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи дидактик шарт шароитлар, ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини ошириш тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: касб-ҳунар, таълим, амалиёт, ўқувчи, изчиллик, тизим, машғулот, жараён, меҳнат, самарадорлик, технология, кўникма.

PROBLEMS OF INCREASING THE PERFORMANCE OF PROFESSIONAL SCHOOLS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF PRACTICAL TRAINING

Samaridin Barakaevich Korayev
Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Ikhtiyor Suyundikovich Joldasov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the issues of didactic conditions, which make it possible to increase the efficiency of industrial practice in vocational educational institutions of the country, to improve the professional skills of students.

Keywords: profession, education, practice, student, sequence, system, learning, process, labor, efficiency, technology, ability.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

КИРИШ

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизимида миллий иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари алоҳида ўрин тутади. Меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларида таълим турлари орасида интеграцияни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеграция бу, малакали мутахассисларни тайёрлашнинг бош омилидир.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябраги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони умумий ўрта, ўрта махсус ва Олий таълим тизими ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни янада ривожлантиришга дастурил амал бўлиб хизмат қилади. Фармонда белигиланишича “бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларига Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қуйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилади. Тизимда мос равишда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи [1] ташкил этилади”. Фармонда 2020-2021 ўқув йилидан ташкил этиладиган касб-ҳунар мактаблари фанларнинг интеграциялашган дастурлари асосида 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантириш, уларга 2 йил давомида кундузги таълим шаклида касб-ҳунарга йўналтирилган таълим жараёни тадбиқ этилиши бегилаб қўйилган.

МЕТОДОЛОГИЯ

Касб-ҳунар мактаблари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни ҳамда олиб борилган кузатишларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мазкур жараён самарадорлигини таъминловчи муҳим омил, бу интеграциялашган амалий машғулотларни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни шакллантиришдан иборатдир. Ноанъанавий шакл, метод, технология ва воситалар ёрдамида дарс машғулотларни амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини беради ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

Бунда: машғулотлар самарадорлигини ошириш имконини берувчи дидактик шарт-шароитларни аниқлаш; ташкил этиладиган касб-ҳунарга

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

йўналтирилган машғулот мавзулари мазмуни ҳамда изчил тизимини ишлаб чиқиш; янги авлод ўқув-методик адабиётларини яратиш; бу жараёнга махсус педагогик маълумотларга эга бўлган педагог-муҳандисларни жалб этиш ҳамда уларнинг педагогик ва касбий билимларини мунтазам ошириб боришга эришиш; уларда машғулотларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни шакллантириш; бу жараёнда ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатишини таъминлаш йўлларини аниқлаш, уларда касб-ҳунар соҳаларига оид билимларни мустақил ўқиб-ўрганиш кўникмасини шакллантириш каби вазифаларни амалга ошириш лозим[2].

Касб-ҳунар мактаблари самарадорлигини ошириш, уларнинг самарадор тизимини яратиш, замонавий техник воситалар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг мустақиллиги ва фаолликларини юзага келтириш, ўқувчиларда юқори даражадаги касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш каби мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Касб-ҳунар мактабларида машғулотлар самарадорлигини оширишда, унинг умумий ҳолда лойиҳаланишини таъминлаш, уни ташкил этишдан кўзланган муайян курс доирасида ифодаланган мавзулар бўйича мақсад ва вазифаларни аниқлаш, унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларни пухта белгилаш, машғулот мавзулари мазмунини ишлаб чиқиш, ташкилий шакл, метод, технология ва воситаларини танлаш, касбий фаолликни умумий назорат қилишнинг шакл, метод ва усулларини аниқлаш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Машғулотларини ташкил этиш, унинг самарадорлигини оширишнинг муҳимлиги, касб-ҳунар эгаллаётган ўқувчилар ёш хусусиятларига кўра мустақил фаолият юритишга тайёрланиш, микросоциумда ўз ўрнини топишга интилиш, ҳаётий мақсадни белгилаб олиш, маънавий-ахлоқий хулқ-атворини такомиллаштириш, касбий фаолият йўналишини қатъий белгилаб олишга нисбатан жиддий муносабатда бўлади[3].

Машғулотларини самарали ташкил этишда мактаб жамоасининг ўрни беқиёс. Агар бу жамоа ўқувчиларнинг мажмуа машғулотларида бўлишини ўзлари учун масъулиятли иш эканлигинн ҳис килган ҳолда қабул қилишса, мазкур жараённинг муваффақиятли ўтиши учун улар қулай шароит яратган бўлади. Бу ўз навбатида касб-ҳунар мактаблари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунки, унда ўқувчиларнинг касб-ҳунар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

сирларини мукаммал ўрганишлари учун педагог-муҳандислар яқиндан ёрдам беришади. Натижада, самарадорлик ошади. Шунинг учун, амалий машғулотларини ўтказиш жойда тайёргарлик ишларини олдиндан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотларининг муваффакиятли ўтиши, аввало, ўқувчиларнинг унга тайёрланишига боғлиқ бўлиб, уни амалга ошириш қуйидаги тартибда бўлиши мақсадга мувофиқ: махсус фан ўқитувчисидан маслаҳат олиш (янги мавзуни ўрганишда асосий эътибор бериш керак бўлган тушунчалар, жиҳозлаш, керакли методлардан фойдаланиш, таълим-тарбия бирлигига эришиш кабилар), амалий машғулотларда ўрганиладиган мавзуларнинг мазмунини аниқлаш ва уни чуқур ўрганиш, мавзуга оид илмий-методик адабиётлар билан танишиб чиқиш, ўрганиладиган мавзунинг бошқа фанлар билан ва ўтган мавзулар билан алокадорлигини аниқлаш, машғулотларни ўтказиш методларини тузилишини ва мақсадини аниқлаш, шу асосда режасини тузиш, ушбу режа асосида машғулот методикасини ишлаб чиқиш ҳамда зарур бўлган таълим воситаларини тайёрлаш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш, уй вазифаси, ҳажми ҳамда шаклини аниқлаш, машғулотлар учун режа-конспект тузиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалий машғулотлар самарадорлигига эришишда ташкил этиладиган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш лозим: аниқ мақсад асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш; ўқувчиларнинг ички эҳтиёж, хоҳиш-истаклари, шунингдек, ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш; машғулотларни турли шакл, усул, технология ва воситалар ёрдамида ташкил этиш; бу соҳада эришилган илғор иш тажрибалар мунтазам ўрганиб, оммалаштириш; мактаб, оила, корхона ва ташкилотлар ўртасида мустаҳкам алоқани ўрнатиш.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўқитувчилар учун амалий машғулотларни методик, педагогик ва психологик нуқтаи назардан кузатиш ва атрофлича таҳлил қила олишга эришиш асосий мақсад бўлиши керак. Натижада, педагог-муҳандислар машғулотларнинг ҳар бир босқичини тўғри ташкил этишни, бу жараёнда методларни тўғри танлай олишни, йўл қўйилган илмий, методик камчиликларни ўз вақтида тўғри англашни ва уларни бартараф қилиш йўлларини ўзлаштиради. Машғулотларни кузатишда ҳар бир хатти-ҳаракатни диққат билан кузатиб бориш, ютуқ ва камчиликни ўз вактида дафтарга қайд этиш, якунида хулосаларни ёзиш лозим.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

Ташкилий қисм қуйидагича амалга оширилади:

-машғулотлар хонасининг ҳолати, жиҳозлар билан таъминланганлиги, ўз вақтида бошланиши, давоматнинг текширилиши, ташкилий қисмга сарфланган вақт, бошланиши ва якунланиши;

- уй вазифасини текшириш ва уни бажаришда йўл қўйилган хатолар устида ишлаш, ўтилган мавзусини сўраш (бунда педагог-муҳандислар томонидан амалга ошириладиган савол-жавобларнинг изчиллиги, аниқлиги, саволларнинг мантиқий боғлиқлиги, ўқувчилар жавобининг аниқлиги, тўлиқлиги, уларнинг кўргазмали қуроллардан ва воситалардан фойдалана олиш малакаси, уларнинг фаоллиги кабилар)[4];

-ўқувчиларни топшириқларни бажаришга тайёрлашни амалга ошириш, бунда уларни аниқлаш қай даражада таъминланганлиги, янги мажмуа мавзусини ўрганиш жараёни, унга сарфланган вақт, фойдаланилган методлар, технологиялардан фойдаланиш даражаси, қандай воситалардан фойдаланганлиги, янги мавзуни ўрганиш жараёнининг амалга оширилиши;

-машғулот мавзулариннг ўтилган мавзулар билан алоқадорликда педагог-муҳандислар томонидан баён қилиниши даражаси, ўқувчиларнинг янги мавзуларни ўзлаштириш даражаси ва уни аниқлашда педагог-муҳандисларнинг маҳорати;

- машғулот мавзуларининг мазмуни янги ўрганилган назарий ва амалий билимларнинг ўқув дастурлари талабларига мос келиши, унинг дарсликка мувофиқлиги, ўрганилган материалларнинг илмийлиги, келгусида янги билимларни ўрганиш учун етарлилиги, назарий ва амалий билимларнинг ўзаро ҳамда илгари ўрганилган материаллар билан боғлиқлиги;

- ўтилган янги машғулот материалларини мустаҳкамлаш учун сарфланган вақт, мустаҳкамлаш жараёнида педагог-муҳандисларнинг амалга оширган ишлари, уларнинг самарадорлик даражаси;

- педагог-муҳандисларнинг фаолияти, уларнинг раҳбарлиги кандай намоён бўлганлиги, қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги талабчанлиги, илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиши, гуруҳни бошқара олиш қобилияти, ўқувчилар билан муносабати, педагогик муаммони қўя олиши, замонавий технологияларни қўллай олиши, муаммоли вазиятлардан фойдаланиши, ўқувчиларни машғулотларга жалб қила олиши;

- дарслик, махсус ва методик адабиётлардаги мос мавзуларни чуқур ўрганиш асосида конспект тузиш, мажмуа машғулотлари учун муаммоли,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00218

ишлаб чиқариш билан боғлиқ топшириқлар мазмуни, метод, технология ва воситалари, дидактик материалларни танлаш;

- машғулотларни ўтказиш ва педагогик фаолиятда ўз-ўзини таҳлил қилиш, унинг натижаларидан кейинги машғулот ишларини такомиллаштиришда фойдаланиш, бу бўйича илмий-методик ишларни олиб бориш;

- машғулотларда ўқувчилар фаолияти, уларнинг ўрганишга мойиллиги, педагог-муҳандисларни тинглаши ва материалларни қабул килиши, бу жараёнда ўқувчилар интизоми, ўзлаштириш даражаси;

- уй вазифасининг эълон қилиниши, уни бажариш учун керакли йўриқномаларнинг берилиши, қўйилган мақсадга эришилганлик, педагог-муҳандислар фаолияти ҳақидаги фикрлари.

ХУЛОСА

Агар машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилишда юқорида санаб ўталган ҳолатларда атрофлича баҳо берилса, у ҳолда кўзлаган мақсадга эришилди деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун педагог-муҳандислардан ишга ижодий ёндашиши талаб этилади.

Машғулотлар якунида ўқувчилар топшириқларни тушуниш, унда яққол кўриниб турган маълумотларни белгилаш, таянч сўз ва ибораларни аниқлаш, мазмунини тўлароқ билдирадиган фикрларни ажратиш, белгиланган ҳаракатларни, уларни кўпроқ учрайдиган кетма-кетлиги бўйича санаш, келтирилган ғоя ва тушунчаларни ўзаро боғловчи ҳамда умумлаштирувчисини тушунтириш кабиларни уддалай олиши керак.

REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси президентининг 2019 йил 6-сентябраги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон фармони.
2. Абдуқудусов О.А. Касбий таълимда асосий ўқув материалини ўрганиш технологияси // “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т., 2006. - Б. 7-8.
3. Алламбергенова М, Ильясова З. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тафаккур бўстони. Тошкент, 2013. - 142 б.
4. Қораев, С. Б. (2020). Профессионал таълимда ўқувчиларни касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари. Узлуксиз таълим, 1. 88-92.